Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 105 (6.296) 1987 йил 7 май, пайшанба Баҳоси 3 тийин

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

ЗАФАРЛАРИМИЗ — УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА

Аҳиллик самараси

Пойтахтимиздаги 3-уйсозлик комбинатига қарашли 40-қурилиш бошқармасининг биринчи участка бинокорлари турли миллат вакилларидан ташкил топган. 42 кишилик коллективнинг номини фақатгина бошқармада эмас, мазкур уйсозлик комбинатида ҳам кўпчилик ҳурмат билан тилга олади. Ўтган йил ҳамда юбилей йилининг биринчи кварталини барча соҳалар бўйича қувончли якунлаган азаматлар апрель ойида 90 минг сўм ўрнига 95 минг сўмлик иш бажардилар.

Бу меҳнат муваффақиятида Виктор Тутилин, Урнибой Эшниёзов, Виктор Синюгинлар етакчилик қилаётган комплекслашган бригада аъзоларининг муносиб хизматлари бор. Улар турар-жой биноларига пойдевор қўйишга ихтисослашган тажрибали бинокорлардир. Шу боисдан ҳар бир объектда пудратчи ташкилотларга барвақт иш фронти яратиб беришяпти.

Шу кунларда участка бунёдкорлари пойтахтимизнинг Собир Раҳимов районидаги Б—3 массивда 5 қаватли, 120 квартирали кооператив турар-жой бинокси қурилишини олиб боришаяпти.

Бу ерда пудратчи ташкилотлардан 3-уйсозлик комбинатининг «Ташмосстрой», «Узэлектромонтаж» трестига қарашли 2-монтаж, «Ташсантехгазмонтаж» трестининг 1-монтаж, «Ташинжстрой» трестига қарашли 10-қурилиш бошқармалари коллективлари ҳамкорликда иш юритиб, турар жой биноси кўркига кўрк қўшмоқда.

— Коллективимиз турли миллат вакилларидан ташкил топган, — дейди биз билан суҳбатда участка катта прораби Баҳром Саидов. — Мақсадимиз бир жон, бир бўлиб, ҳамшаҳарларимизнинг уй-жойларига бўлган эҳтиёжини тезроқ қондиришдир.

Ҳақиқатан ҳам рус Надя Дутик, Володя Баженов, татар Мисхат Аҳкамов, Володя Комиссаров, корец Володя Ли, ўзбек Ботир Зокиров, уйғур Юсуп Зунунов каби монтажчи, бетончи, электрпайвандчилар бир оила аъзоларидек аҳиллик билан фидокорона меҳнат қилиб, коллектив шуҳратини тобора оширмоқдалар.

Участка аъзоларидек дўст, меҳрибон, меҳнатда, оилавий ҳаётда бир-бирига кўмакдош. Шу боисдан ҳам улар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 70 йиллик юбилейи шарафига бошланган мусобақада фаол иштирок этиб, йил бошидан пешқадамликни қўлдан бермай келишяпти.

Э. ТЎЛАГАНОВ.

Пешқадамлар шижоати

«Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнатчиларининг мамлакатимиздаги бир қатор пахтачилик районларига юбилей йилида жўнатилган ДВ-1 маркали қуритиш машиналари 360 тадан ортиб кетди. Бу кўрсаткич планда белгиланган анча кўпдир.

Бирлашмада Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 70 йиллик юбилейи шарафига ўзаро меҳнат беллашуви кун сайин авж олмоқда. Кўплаб ишчи-хизматчилар унда муваффақиятли иштирок этиб байроқдорлар сафидан ўрин олишга астойдил интилишмоқда. Раҳматулла Муҳаммаджонов бошчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси ҳам корхонадаги ана шундай ташаббускор коллективларнинг биридир. Улар 7 ноябрни кўпчилик касбдошлари қатори ёруғ юз билан кутиб олишга астойдил бел боғлаганлар. Шунга мувофиқ бригада ишчиларининг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиб, маҳсулот сифатини яхшилашга эришмоқдалар. Меҳнат унумдорлигини ошириш планни ҳам коллективда мунтазам ортиғи билан бажарилмоқда.

Пахтани қуритишда қўлланиладиган машиналарнинг бу турини пишиқ ва пухталигини таъминлаш, уларни кўплаб миқдорда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ташаббускор бригада ишчиларининг асосий мақсадига айланган. А. Аъзамхўжаев, Т. Каримов, С. Кабанов, А. Мўминов сингари тажрибали йиғувчи-слесарларнинг бу борада кўрсатаётган шахсий ибратли кўпчиликка намуна бўлаётир.

А. ҚОСИМОВ.

Журналистларнинг муҳим вазифалари

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

6 майда Тошкент область партия комитетида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун навбатдаги матбуот конференцияси ўтказилди. Унга область, шаҳар, район, кўп тиражли газеталар, Ўзбекистон ССР телевидение ва радио эшиттиришлар Давлат комитетининг Тошкент шаҳри ва области учун эшиттиришлар бош редакциялари, маҳаллий радио эшиттириш редакциялари ходимлари таклиф этилди.

Матбуот конференциясини область партия комитетининг секретари Э. И. Фозилов очди.

Ёзувчи ва публицист К. Икромов «Улуғ Октябрь ва ҳозирги замон» деган мавзуда лекция ўқиди.

Тошкент область Совети ижроия комитети масъул секретари А. М. Мансуров халқ депутатлари маҳаллий Советларга ўтказиладиган бу йилги сайлов кампаниясининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапирди. Сайлов кампаниясининг барча босқичларини мунтазам равишда ёритиб бориш, сайловчиларнинг ўсиб бораётган активлигини, социалистик демократия ривожини акс эттириш муҳим вазифа эканлиги таъкидланди.

Ҳозирги кунда партия ташкилотларида меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқуви системасини қайта қуришга қаратилган КПСС Марказий Комитети асосий йўналишлари лойиҳаси муҳокама қилинмоқда. Область партия комитети сиёсий маориф уйи мудири З. М. Конопко муҳокамани ёритиш бўйича журналистларга тавсиялар берди.

Журналистлар шу куннинг актуал мавзуларини ёритиш юзасидан ўзларини қизиқтирган кўпгина саволларга жавоб олдилар.

Қардошлик қонунига биноан

Камарбасталар

Тажриба-механика экскаватор ремонти заводи коллективи ҳам табиий офат туфайли тошқиндан зарар кўрган оилаларга амалий ёрдам кўрсатишни ўзининг асосий мақсадига айлантирди. Шу мақсадда корхонадан дастлабки кўчма вагон-уйчалар Пискент районидаги Гулистон колхози меҳнаткашларига жўнатилди.

— Дўстларимиз бошига тушган мусибатни бартараф этишда биз ҳам четда қолмаяпмиз, — дейди корхона директори Икромжон Шарофиддинов. — Ҳозиргача ўттизтадан ортиқ кўчма вагон-уйчаларни уларга етказиб бердик. Бу ишнинг кўламини келгуси ойда янада кенгайтирмоқчимиз.

Корхона ишчилари ҳам бу борада аълоҳида ғайрат кўрсатмоқдалар. Улар кундалик нормаларини ошириб бажариш билан дўстларига камарбаста бўлишни кўзлашмоқда. Айниқса Х. Дўстмуҳамедов, К. Усмоналиев, Х. Жамолиддинов сингари тажрибали йиғувчи-слесарларнинг бу борада кўрсатаётган шахсий ибратли кўпчиликка намуна бўлаётир.

А. ҚОСИМОВ.

21 ИЮНЬ — МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

КОЛЛЕКТИВ ИШОНЧИ

Куни-кеча навбатдаги меҳнат кунидан кейин «Ташгрушка» фабрикаси коллективининг бўлган умумий йиғилиши қизғин ва кескин баҳслар остида ўтди. Йиғилишда турмушимизга тобора чуқурроқ сингиб бораётган демократия ва ошкоралик тўлақонли намоён бўлди. Унинг иштирокчилари бир йўла 4 нафар номзоднинг ишлаб чиқаришдаги фаолияти, ҳулқ-атвори ва жамоатчилик ишларидаги қатнашуви хусусида дил сўзларини истиҳоласиз, очиқ айтдилар. Узоқ давом этган баҳс-мунозарадан сўнггина 1-цех слесарь созловчиси Валентин Емченконинг номзоди Собир Раҳимов район Совети депутатлигига лойиқ деб топилди. Шуни эътироф этиш керакки, шаҳар Совети депутатлигига кўрсатилган номзод ҳақида бошқача манзарани шоҳиди бўлдик. Фабрика меҳнатчилари 4-тайёрлов цехининг илғор комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи, КПСС аъзоси, шаҳар Советининг депутати Рашида Маллохунова номзодини бир овоздан маъқуллашди. Бу ёш депутатнинг ўтган сайлов даврида ўз коллективи ишончини ҳалол, виждонан адо этганининг ёрқин ифодаси, унинг фаолиятига берилган одил баҳо ҳамда иккинчи бор кўрсатилаётган юксак ишончдан далолатдир.

Биз йиғилишдан сўнг фабрика ишчилари билан суҳбатда бўлдик.

— Рашида фабрикамизнинг фахри, — дейди участка бригадири Антонина Ушакова. — Унинг бригадаси мунтазам ойлик ва йиллик планларни ортиғи билан бажариб келади. Бундан ташқари у актив жамоатчи ва ташкилотчи ҳамдир.

— Ўтган йили уйимизга телефон туширолмай сарсон бўлган эдик, — дейди тикувчи-мотористка Қундуз Мирхонова. — Депутатимиз Маллохунова аралашгандан сўнг бу иш тезда ҳал этилди.

Бундан ташқари ёлғиз пенсионер аёл Аня опа Аминованинг уйини ремонт қилиб беришларида Рашидахоннинг хизмати катта бўлди.

— Иккинчи номзодимиз Валентин Емченко эса бизнинг цехда етти йилдан бери ишлаб келади, — дейди 1-цех мастери Гильта Егер. — Меҳнатсевар бу йигит ўз ишининг устаси. Машина ўрнатиш ва ремонт қилиш бўйича унга тенг келадиганлар камдан-кам топилади. Коллективда обрў-эътибор қозонган.

Фабрика ишчиларининг Рашида Маллохунова ва Валентин Емченко шаънига айтаётган илиқ сўзларини тинглар эканмиз, уларнинг руҳида ўзгача кайфият, қайта қуриш ва демократиянинг коллектив онгида чуқур илдиз отиб бораётганлигининг гувоҳи бўлдик. Ўз номзодлари кўп овоз олмаган комсомол қизлари Клара Турсунова ва Шарифа Бадалбоевалар ошкоралик ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтган бу йиғилишдан асло ўксинмадилар. Аксинча улар ҳамкасбларини табриклаб, ўзларидаги мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга сўз бердилар. Биз иккинчи бор шаҳар Совети депутатлигига номзод, эндигина 23 баҳорни қаршилаган Рашида Маллохуновани тушлик пайти цех комсомоллари билан суҳбатлашиб турган чоғида учратдик.

— Ўзим ҳақимда нима ҳам дейишим мумкин, — деди у. — Коллектив менга яна бир бор шундай юксак ишонч билдирган экан, бу ишончни оқлаш учун астойдил ҳаракат қиламан.

Рашидахон фабрикага 1982 йили 10-синфни битириб ишга келган экан. Ёш ишчига меҳнат ветерани Антонина Ушакова устозлик қилиб, касб сирларини ўргатди. Рашида оддий ишчидан бригадирликка сайланди. Жамоат ишларида актив иштирок этди. 1985 йили 281-сайлов округидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советига депутат қилиб сайланди. Шу йили у КПСС сафига қабул қилинди. Мана икки йилдирки, у халқ наказларини сидқидилдан адо этиб келаётир.

У меҳнат қилаётган 4-тикув цехи ишчилари иккинчи бор унинг номзоди депутатликка кўрсатилганидан жуда мамнун. Халқ фақат ҳалол ва ростгўй, ҳамиша халқ хизматида бўлиб, меҳнатнинг олдинги сафида бораётган, виждони пок, камтарин кишиларнигина бундай юксак ишончга лойиқ деб билади. Зеро бугунги кун талаби ҳам шуни тақозо этади.

Р. АКБАРАЛИЕВ,
«Тошкент оқшоми» жамоатчи мухбири.

ЎҚИТУВЧИЛАР СЕМИНАРИ

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов районидаги 224-ўрта мактабда шаҳар мактаблари тил ва адабиёт ўқитувчиларининг навбатдаги семинари бўлиб ўтди.

Семинар қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорлари асосида таълим-тарбия ишларини янада такомиллаштириш, педагогик фаолиятни қайта қуриш, ўқитиш жараёнида тадбиқ этилаётган янгиликлар ҳақида фикрлашдилар.

И. РАҲМАТУЛЛАЕВА,
ТошДУ журналистика факультети студенти.

Касбига меҳр қўйганлар

Касб байрамларини ёруғ юз билан кутиб олаётган илғор коллективларнинг бири Чилонзор районидаги 96-алоқа бўлимининг шаҳарлараро телефон пункти телефончи қизларидир. Улар қутлуғ сана шарафига зиммаларига олган социалистик мажбуриятларининг ҳар бир бандини бекаму-кўст уддалашга муваффақ бўлдилар. Тўрт ойлик план 25 апрелдаёқ бажариб қўйилди. Йил бошидан буён буюртмачиларга кўрсатилган хизматнинг ялпи миқдори 20.700 сўмликдан ортиб кетди. Шунинг 500 сўми тўрт ойлик планга қўшимчадир.

Коллективда ўз ишига меҳр қўйган алоқачилар меҳнат қилишади. Улар доимо мижозлар талабини қондиришга, ҳар бир буюртмани пухта уддаланишини таъминлашга ҳаракат қилиб борадилар. Бунинг эвазига шаҳарлараро телефон пунктида алоқа хизмати маданиятини яхшилашга муваффақ бўлинмоқда. Узининг хушмуомалалиги, жонкуярлиги туфайли Людмила Остролуцкая, Валентина Барабаш, Валя Сизова, Люда Зайцева сингари тажрибали телефончилар кунлик топшириқларини 115 процентга ошириб адо этишмоқда.

Р. АЛИЕВ.



Чапдаги суратда сиз республика радиосининг болалар ва ўсмирлар редакциясида навбатдаги эшиттиришга тайёргарликни кўриб турибсиз. Режиссёр Тоҳира Шамсиева Тошкент мактаблари ўқувчилари иштирокида «Пионер эрталиги»ни тайёрламоқда.

С. Маҳкамов фотоси.

Ўнгдаги суратни штатсиз фотомухбиримиз Н. Муҳаммаджонов Ўзбекистон телевиденнесининг «Ахборот» программаси «павильон»ларида олган. Катта редактор М. Раҳматов ва оператор В. Шугаев навбатдаги интервьюни олишмоқда.



Замондошимиз



Бугун—Радио куни, барча алоқа тармоқлари ходимлари байрами

ҚАЛБГА ЙЎЛ ТОПИБ

— Қодир ака, радиога ишга келганингизга қанча бўлди!

— Роппа-роса 40 йил.

— Шу даврда қийналган, «Э, бу касб менга бўлмас экан», деган хаёллар борганмисиз?

—Ишда қийналган, оғир аҳволга тушган пайтларим жуда кўп бўлган. Лекин сиз айтгандек «Бу касб менга бўлмас экан», деган хаёлга сира бормаганман. Чунки, менда қатъий бир қарор, ишончи бор эди. Ана шу ишончи туфайли, қолаверса касбимга садоқат туфайли эъзозландим, одамлар ҳурмати ва ва эътиборига сазовор бўлдим. Сиз, журналистлар тили билан айтганда «меҳнатим бахт келтирди».

— Устозларингиз кимлар!

— Устозларим кўп. Уларга ҳавас қилса арзийди. Ўзбекистон ССР халқ артистлари Турғуной опа Юнусхўжаева, Қодир ака Мақсумовлар шулар жумласидандир. Уларга етиб бўлмайди.

Дикторлик — санъат. Узингиз биласиз, санъат тақлидни ёқтирмайди. Тақлидчи диктор ҳам узоққа бормайди, ўз овозига эга бўлмайди. Ўз овозига эга бўлмаган санъаткор эса...

Энди менга берадиган навбатдаги саволингизга ҳам жавоб бериб қўяқолсам. Шоғирдларим Абдуллажон Матназаров, Неъмат Эгамбердиев, Суннатилла Аҳмедов, Салимахон Расулова, Туфҳахон Маматовалар билан фахрланаман.

Шу ерда Қодир ака билан савол-жавобимиз тугади. Бу кишининг овозини эфир орқали жуда кўп эшитгансиз. Мана, энди суратларини кўриб, танишиб олсангиз бўлади. Ҳа, кўксини ҳукумат мукофотлари безаб турган бу кишн партиямизнинг муҳим ҳужжатларидан тортиб, оддий бир кичик хабарни ҳам ҳар бир сўз масъулятини ҳис қилган ҳолда одамлар қалбига 40 йилдан бери етказиб бераётган Ўзбекистон радиосининг олий категорияли диктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, СССР Телевиденне ва радио аълочиси, СССР кинематографи аълочиси, республика миқёсидаги пенсионер Қодир Тожиев бўладилар. Унвону ҳурмат эса меҳнатига яраша. Меҳнат қилган элда азиз, деб шунга айтсалар керак-да!

Суҳбатни республика радиоси «Сўнгги ахборот» редакциясининг бўлим мудири А. АБДУВАЛИЕВ олиб борди.

СУРАТДА: Қодир Тожиев.

М. Нуриддинов фотоси.

БАЙРОҚДОРЛАР

Ўзларининг анъанавий меҳнат байрамларини муносиб совғалар билан кутиб олаётган коллективлар орасида Тошкент марказий телеграфи алоқачилари ҳам бор. Коллектива барча иқтисодий-техник кўрсаткичлар бўйича тўрт ойлик план ошириб бажарилди. Бунинг эвазига аҳолига 1 миллион 813 минг сўмлик алоқа хизмати кўрсатишга муваффақ бўлинди. Янги техника ва технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш эвазига меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 27,2 процент ошди.

Байрам арафасида телеграф меҳнатчилари яна бир қувончли воқеанинг шоҳиди бўлдилар. Ўтган йилдаги республика социалистик мусобақаси якунига кўра коллектив голиб деб топилиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди.

Коллективда ўз ишига астойдил меҳр қўйган тажрибали алоқачилар меҳнат қилмоқдалар. Улар КПСС XXVII съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб, алоқа хизматини янада яхшилаш ва ахборот-техника воситаларини жадал ривожлантирилишига эришиш учун бор куч ва маҳоратларини ишга солмоқдалар. Давр талабларидан келиб чиқиб фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этишга эришилаётир.

Эндиликда коллектив Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш учун пухта тараддуд кўраётир. Қутлуғ айёмга ўзларининг шахсий совғалари билан боришга бел боғлаган Тамара Нагина, Шорустам Шоюсупов, Сергей Максимов каби цех бошлиқлари, Георгий Штир, Вячеслав Лукун, Фарид Кузаҳмедов сингари электромеханик ҳамда электромонтёрларнинг сафи тобора кенгайиб бораяпти. Кўпчилик алоқачилар уларнинг ташаббусига қўшилиб, ўн иккинчи беш йилликнинг икки йили планини 7 ноябргача бажаришга аҳд қилдилар.

Қисқа муддат ичида экономикада сифат жиҳатидан силжиш бўлишини таъминлаш, келгусига мустаҳкам замин яратиш зарурлиги ҳақида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг совет халқига Мурожаатномасида алоҳида таъкидлаб ўтилган эди. Уни амалга оширишда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Шунга мувофиқ алоқа тармоқлари ҳам тобора замонавий техника ва янги мосламалар билан жиҳозланяпти. Биргина йилнинг ўтган ойлари мобайнида «Г-2000» маркали ўнлаб замонавий телеграф аппаратлари ўрнатилди. Бу аппаратларда телеграммаларни қабул қилиш ва узатиш жараёнлари аниқ, пухта ва да сифатли бажарилади. Эндиликда коллектив аъзолари турли ташкилот ва муассасалардаги, алоқа бўлимларидаги телеграф аппаратларининг узлуксиз ишлашини таъминлашга интилмоқдалар.

Республика партия ва ҳукуматининг юксак мукофоти марказий телеграф алоқачиларини янги марралар сари руҳлантириб юборди. Мукофотга жавобан улар янада самарали меҳнат қилмоқдалар. Шу билан биргаликда келгусида алоқа хизматини янада такомиллаштириш учун ҳозирданоқ зарур чораларни кўришяпти. Бу йил телеграфда пойтахт область ва республиканинг бошқа областларига янги алоқа каналларини очиш кўзда тутилган. Шу билан биргаликда кўп каналларга эга бўлган телеграф станциялари ишга туширилиб, бир сим орқали 144 каналга хизмат кўрсатадиган янги аппаратлар ўрнатилади.

И. ФАТТОҲОВ.

Оталиқдаги корхонада

№ 3 (8)

ИШГА ЯНГИЧА ЁНДАШИБ

Цехда одатдаги куннинг меҳнат мароми янгради. Чевар қизлар хуш кайфият билан қўлларидаги хом ашёни тайёр маҳсулот ҳолига келтира бошладилар. Мамлакат атрофга зимдан назар ташлар экан, ўзида йўқ мамнун бўлди. Бошқа бригадаларда бўлгани каби у бошқараётган коллектив тикувчилари ҳам кейинги пайтларда янгичасига ишлашда муайян натижаларни қўлга кирита бошладилар. Бунга эса ўтган ойнинг бошларида рўй берган воқеа сабаб бўлди...

Сменадан сўнг қизлар уйларига ошиқишмади. Ҳамма хотиржам ишини тугатиб бир жойга жам бўлди. Кўринишидан кўпчиликнинг кўнглига тугиб юрган гапи борга ўхшарди. Шунинг учун ҳам бригада бошлиғи Мамлакат Аҳмедова қизларга юзланди:

— Хўш, бугунги йиғилишнинг кун тартибига қандай масалани киритмоқчисизлар?

— Сифат масаласини, — кўпчилик бир овоздан жавоб қайтарди.

— Назаримда кейинги пайтларда сонининг кетидан қувиб, сифатни унутиб қўяётганга ўхшаймиз, — деди тажрибали тикувчи Мастура Солиҳова. — Хўш, бу ҳол қачонгача давом этади? Ахир маҳсулот сифати учун кураш бугунги куннинг бош вазифасига айланган бўлсаю, кимлардир уни бажаришдан ўзини четга олса. Йўқ. Бундай камчилик билан мурosa қилиб бўлмайди.

— Ҳақ гап, — сўз бошлади Наима Ҳакимова. — Айниқса Муаттар Мансурова билан Ҳалима Қозоқбоева бу борада яхшироқ ўйлаб кўриши керак. Бу иккала ҳамкасбимизнинг коллективимизга қўшилганига анча бўлди. Бироқ кўп маҳсулот тайёрлайман деб, нимага сифатни эътибордан четда қолдиришмоқда.

— Аниқроғи, уларнинг бу ҳолга йўл қўйишида бизнинг ҳам айбимиз бор, — Мамлакат оғир хўрсиниб қўйди. — Негаки, ўзаро ҳамкорликни унутиб қўйганмиз. Бир-биримизнинг қизиқишимиз, туриш-турмушимиз билан ишимиз йўқ. Шундай бўлгандан кейин ҳар ким ўз билганича ишлайверадида. Келинглар бундан буён фақат ўз меҳнатимиз учун эмас, бошқаларнинг иши учун ҳам жавобгарлик ҳиссини зиммамизга олайлик.

Бригада бошлиғининг кейинги сўзларини коллектив тикувчилари якдиллик билан қўллаб-қувватладилар. Ўша йиғилишдан кейин бригадада уюшқоқлик қарор топди. Меҳнат интизомига ва ишга масъулият кучайди. Зарбдорлик ҳаракати авж олди. Бунинг натижасида юбилей йилининг дастлабки квартали планини бригада чеварлари ортиғи билан адо этишга муваффақ бўлдилар. Биргина коллектив етакчисининг ўзи шахсий топшириғини 130 процентга уддалади.

Бригада чеварлари айни кунларда Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш тараддудида фидокорона ишламоқдалар. Коллективда иш билан сўз бирлиги таъминланиб қолмасдан, маҳсулот сифатини яхшилашда ҳам юқори натижаларга эришилмоқда. Бунга чеварларнинг ўз ишларини қайта қуриш ва жадаллаштириш учун бир тан бир жон бўлиб ишлаётганликлари кўл келаяпти.

Р. БУРИБОЕВ,
ТошДУ студенти.



У шу кунларда ёруғ юз билан қутлуғ айёмни кутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилмоқда. Смена нормасини ортиғи билан адо этиб, графикдан ўзиб ишлаётир. Пешқадам тикувчининг иш календарида 1988 йилнинг дастлабки ойи бошланганлигининг боиси ҳам шунда.

СУРАТДА: Римма Александровна Федосова.

ҚУВОНЧЛИ ЮТУҚЛАР

Тикувчи учун энг муҳими нима? Римма Александровнага шогирдлари бундай саволни бир неча бор беришган. Мураббий ишчи ана шундай дамларда ҳеч иккиланмай изланиш, янгилик сари интилиш деб дадил жавоб қайтарган. Бу сўзларни эндиликда ҳам моҳир тикувчи ўзининг иш принципига айлантирган. У 32 йилдан буён бой тажриба орттирган бўлишига қарамай, ютуқларидан қаноатланмайди. Доимо янгилик сари интилади.

Сифат учун оммавий кураш бошланган шу кунларда Римма Александровна бу хайрли ишнинг жонкуярларидан бирига айланиб қолган. У тайёрлаётган маҳсулот сифат назоратчиларининг доимо муносиб баҳосини олмоқда. Биринчи тақдимдаёқ қабул қилиб олинаётир. Бир қарашда бунинг ҳеч қандай сири йўқдай. Чунки унинг тикув машинаси бошқаларникидан фарқ қилмайди. Келтирилаётган хом ашё ҳам бир хил. Аммо ўртадаги тафовут бошқа жиҳатлари билан кўзга ташланади. Тажрибали тикувчи иш қуролини доимо бир маромда ишлатилишини таъминлайди.

Коммунистик меҳнат ветерани Римма Федосова Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига зиммасига юксак социалистик мажбурият қабул қилган корхонадаги ўнлаб илғор тикувчиларнинг бири.



Экспериментал цехни чинакамига бирлашманинг юраги дейиш мумкин. Чунки бу ерда маҳсулотларнинг янги турлари тайёрланиб, ишлаб чиқаришга жорий этилади. Айни кунларда бўлинма ишчиларн замонавий модадаги тикувчилик буюмлари хилларини кўпайтиришга эътиборни кучайтирмоқдалар. Шу мақсадда йил бошидан буён ишлаб чиқилган ўнга яқин янги турдаги маҳсулот харидорларнинг муносиб баҳосини олмоқда.

СУРАТДА: цехнинг илғор тикувчилари Муяссар Мадалимова ва Света Назина маҳсулотнинг янги намунасини яратиш устида иш олиб боришмоқда.

Х. Мирзакаримов фотолари.

◆ Бирлашманинг 2-цехида ҳозир чақалоқлар учун иккита янги комплект ишлаб чиқаришга ўзлаштирилди. Бу комплектлар аввалгиларидан анча фарқ қилади. Эндиликда уларга бир нечта янги буюмлар қўшилди. Шуниигдек, чойшаб кашталари ҳам аввалгиларидан чиройли қилиб ишланган.

◆ Корхона чеварларининг Бутуниттифоқ тикувчилик марказий илмий-тадқиқот институти Тошкент филиали коллективи билан ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланиб боряпти. Шартномага кўра 1-тикув цехида иккита потокни комплекс механизациялаш лойиҳаси ниҳоясига етказилди. Янгилик-нинг жорий этилиши ҳар икки потокда қиз болалар учун кўплаб турли хил моделдаги лакларни ишлаб чиқариш ва 20 минг сўмлик иқтисодий самара олиш имконини беради.

◆ «Янгилик» инденси билан буюмлар ишлаб чиқариш чеварларнинг диққат-марказида турибди. Бу топшириқ ортиғи билан бажарилянти. Шу йилнинг ўзида «Янгилик» инденсли буюмлар ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан беш бараварга кўпаяди. Ҳозир модельерлар болалар учун пальтолар, атласдан, вилюрдан турли кўйлак ва юбкалар ишлаб чиқаришни режалаштирмоқдалар.

◆ Корхонада цехлар, бригадалар ва ишчилар ўртасида социалистик мусобақа тобора қизимоқда. 200 га яқин чевар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига икки йиллик планни бажариш учун курашмоқда. Уларнинг кўпчилиги маррага яқинлашиб қолди.

Янгиликлар, воқеалар, хушхабарлар

МАМНУНМИЗ, АММО...

Биз «Главташпассавтотранс» бошқармаси томонидан шаҳар пассажир транспортида янги система, яъни кассасиз ишлаш методи жорий этилганидан мамнунмиз. Бу ҳайдовчига ҳам, йўловчига ҳам қулай бўлди.

Шаҳримизда намунали транспорт хизмати кўрсатаётган маршрутлар жуда кўп. Аммо биз чевалрлар фойдаланиб келаётган 169-маршрутдаги автобус иши бизни анча қийнаяпти. Чунки бизнинг «Чевар» бирлашмамиз «Шаҳристон» бекатига яқин жойда жойлашган. Аммо 169-маршрутидаги автобус бу ерда тўхтамай ўтади. Шаҳар чеккасига қатновчи бу автобуснинг салони, ўриндиқлари кўпинча қоп-қанорлар, тоғора-челаклар билан банд бўлади. Чиқсанг, тушолмайсан, тушсанг чиқолмайсан. Айниқса, биз иккинчи сменада ишдан чиққач, автобусга чиқолмай, бекатда туриб қолиб қийналамиз.

Агар мутасадди ташкилотлар бизнинг илтимосимизни инобатга олсалар, айни муддао бўларди.

М. ЖАЛОЛОВА,
М. ШАРИПОВА.
Жами 13 имзо.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети «Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида саноат бирлашмалари, корхоналари ҳамда ташкилотларининг ва халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг кўп сменали иш режимига ўтиши тўғрисида»ги қарорни бирлашмамиз чеварлари ҳам зўр мамнуният билан қабул қилган эдилар. Улар йилнинг бошиданоқ корхонада икки сменали ишни ташкил этишга киришиб кетдилар.

Ҳаракатда—баракат

Хозирги пайтда асосий ишлаб чиқариш участкаларининг кўпчилиги кўп сменалилик ҳаракатига қўшилган ҳолда ишламоқдалар. Мен меҳнат қилаётган бригада коллективи ҳам икки смена асосида ишлаб боряпти.

Бу бежиз эмас, албатта. Ишни ташкил этишда янгиликка қўл урганимиздан буён бригадамиздаги ижобий ўзгаришлар яққол сезилиб қолди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик юбилейи шарафига бирлашмамизда авж олдирилган социалистик мусобақада актив иштирок этиб, бир неча бор илғорликни қўлга киритдик. Қолаверса, йилнинг ўтган тўрт ойлик плани ҳам кўнгилдагидек уддаланди. Албатта бу ютуқда икки сменали ишнинг роли катта бўлмоқда. Аввалларн ишга келишимиз биланоқ тикув машиналарини қабул қилиб олиш, иш жойларимизни тартибга келтириш билан анча машғул бўлиб қолар эдик. Янгиликка қўл урилгандан буён ортиқча вақт сарфлашларга чек қўйилди. Биринчи сменада таййрланган маҳсулотни шундайлигича қабул қилиб олиб, ишларни давом эттиришга киришаяпмиз.

Умуман коллективимиздаги 12 чевар Улуғ Октябрнинг юбилейини катта меҳнат ютуқлари билан нишонлаш иштирокида зарбдорчасига ишламоқда. Уларнинг барчаси 7 ноябргача ўн иккинчи беш йилликнинг икки йили планини бажаришни кўзлаб қўйишган. Маҳбуба Пўлатова, Рихсихон Ҳакимова, Миновархон Турсунова сингари мусобақа пешқадамлари смена нормаларини 150 процент қилиб бажаришга эришмоқдалар. Мен ҳам улар сафида бораяпман. Ойлик топшириқларни белгиланганидан анча ошириб бажаряпман. Бунинг эвазига меҳнат календаримда 1988 йилнинг февраль ойи якунланай деб қолди. Бригадамизнинг ўнлаб чеварлари ҳисобида ҳам ана шундай қувончли натижалар қайд этилган.

Ишни икки смена асосида ташкил этиш муваффақиятларни мустаҳкамлашнинг энг муҳим омилларидан биридир. Бу билан ҳар бир тикув машинасидан рационал фойдаланишга эришаяпмиз. Қолаверса, маҳсулот сифатидаги жиддий нуқсонлар ҳам бартараф этиб борилмоқда. Аммо ҳали ишни шу кунининг талаби даражасида тўла ташкил этдик, деб дадил айта олмаймиз. Корхонамизда бўлганн каби цехимиздагн бир қатор тикув машиналарни алпақачон эскириб қолган. Уларни янгилари билан алмаштириб, замонавийлари билан цехимизни қуроллантириш зарур. Бу борада олиб борилаётган ишларда эса ҳали жадаллик етишмаяпти.

Бироқ, муаммоларни пеш қилиб, яхши ишлашдан ўзимизни четга олиш бизга хос эмас. Шунинг учун ҳам ички резервлардан оқилона фойдаланаяпмиз. Олдимизда турган муҳим вазифаларни амалга оширш учун жонбозлик кўрсатаётгимиз. Шак-шубҳа йўқки, бу туфайли биз бирлашмамиз бригадалари ўртасида кенг йўлга қўйилган ўзаро меҳнат беллашуви илғорларн сафида мунтазам бўлишга эришамиз.

З. ШОАБДУРАҲИМОВА,
1-тикувчилик цехи 15-бригадаси чеварн.

Пропаганда—ҳужумкор бўлсин!

Тирноқ остидан кир қидириб...

Советларга, Совет Иттифоқининг сиёсатига қарши ғоявий кураш биргина АҚШ, Англия, Франция, Исроил каби буржуа давлатлари сиёсатдонлари томонидангина авж олдирмасдан, айни чоқда Туркия советшунослари томонидан ҳам туҳматдан иборат жазава тобора кучайиб бормоқда.

Уларнинг дунёқараши мазмунига кўра фактларни сохталаштириш, уларга нотўғри талқин бериш асносида чуқолидан фил ясаш оддий бир ҳолдир. Маълумки, 1982 йилнинг сентябрида Истамбулда туркшуносларнинг IV Халқаро конгресси бўлиб ўтди. Бунда асли миллати ўзбек бўлган Чиғатой Кўчар деган советшунос «Ҳозирги замон Туркистонида қавм-қариндошлик ва дўстлик» темасидаги поэзия намуналари» мавзуида доклад қилиб, бунда Ўрта Осиё ва Қозоғистон баъзи шоирларининг халқлар дўстлиги, адабиётларнинг ўзаро таъсирини акс эттирувчи айрим асарларига антисовет позициясидан туриб баҳо беради.

У ўз тадқиқотида аввал ўзини гўё совет кишиларига яқин, дўст сифатида тутиб, дўстлик ва биродарликни мазмунан тўғри ифодалаб бермоқчидай бўлади. Аслида эса Ўрта Осиё миллий республикалари халқлари орасидаги қадимий дўстликни нотўғри талқин этиб, кишиларни унга туман орасидан қарашга даъват этади. Унинг фикрича, «Ўрта Осиё Коммунистик Россиядан сунъий равишда бешта республикага ажралган. Ярим асрдан ортиқ вақт давомида улар бирлашган миллий жамиятга — Туркистонга айланишга тинмай ҳаракат қилиб келмоқдалар». «Бу бирлаштириш ҳаракати, — деб жавоб этади у, — адабиётда ҳам акс эттирилган» (221-бет).

Бу туҳматлар тарихни тушунмаслик, бор ҳақиқатга панжа орасидан қараш негизидан келиб чиққан. Чунки, автор «ҳурмат» билан тилга олган Туркистондаги ўзбек, қирғиз, туркман, қозоқ, тожик ва қорақалпоқ халқлари унинг таъбири билан айтганда, «Коммунистик Россияга» инқилобдан 120 йиллар олдин ихтиёрий қўшилганлигини тарих ўз саҳифаларига муҳрлаб қўйгани наҳотки Кўчарга қоронғу бўлса!

Октябрь инқилоби эса бу ерда маҳаллий халқларга рўшнолик берди — рус чоризмига «ихтиёрий қўшилиб» қўйиб кейинчалик пушаймон бўлиб юрган ўзбек, қирғиз, қозоқ, туркман ва тожикларга эркин парвоз берди. Бу халқлар «сунъий равишда» эмас, аксинча, ўз тақдирларини ўзлари белгилаш негизида алоҳида-алоҳида мустақил социалистик республика бўлиб майдонга чиқди. Асрлар давомида икки ёқлама эзиниб келган маҳаллий халқлар эндиликда ҳақиқатан ҳам тарихда биринчи бўлиб ўзларини ўзлари бошқара олиш — мустақиллик ҳуқуқига эга бўлдилар-ку!..

Ўрта Осиё халқлари туҳматчининг, тўқимаси бўйича «Туркистонга айланишга тинмай ҳаракат қилиб» эмас, аксинча, улар СССРдаги барча миллатлар, шахсан рус миллати билан муносиб дўстликни янада мустаҳкамлаш учун ҳар бир соҳада ҳамкорлик қилиб келмоқдаларки, бу нарса ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида намоён бўлмоқда. Чернобиль фожиасига мамлакатимизнинг барча миллат ва элатлари қатори ўзбек, тожик, қозоқ, туркман ва қирғизлардан минглаб ватанпарварлар холисона кўмакка борди. 1966 йил Тошкент зилзиласи оқибатларини тез фурсатларда бартараф этишда энг кўп мададкор бўлган рус ва украин халқи бўлди. Тожикистондаги сув тошқини ва зилзила каби табиий офатлар шу мўътабар халқларнинг қардошларча кўмаги асосида ҳал этилмоқда.

Мақола автори ўзбошимчалик билан Ўрта Осиё халқларини «икки қарама-қарши оқимга» ажратади: «коммунистик Туркистоннинг тарихи, тили ва бирлашишига қарши чиқувчилар» ҳамда «миллатчилик билан Туркистон халқининг бирлашиши ва «қарамсиз»лиги учун курашаётганлар» (221-бет). Бу фикрларнинг мазмунига диққат қилсангиз, унда «кўз илғамас» кассаллик — миллатчилик оқибатидаги қўпорувчилик яширинганлигига шоҳид бўласиз. Кўчар бундай туҳмат ва бўҳтонлари билан Ўрта Осиё халқларининг бузилмас дўстлигини сохталаштириш йўлидан бориб, хорижий халқларга, қолверса Совет Иттифоқининг миллий масала тўғрисидаги оқилона сиёсатига нисбатан ёмон кайфият уялашмоқчи бўлади, шунингдек ўзбек, қирғиз,қозоқ, тожик, туркман ва қорақалпоқ халқларини ўзича «уюштириш» йўли билан рус халқига қарама-қарши қўймоқчи бўлади. Шу асосда СССР халқлари орасида бир-бирига нисбатан «миллий ғараз» уруғини соччмоқчи, дўстликка нифоқ солмоқчи бўлади.

Шу нарсани унутмаслик керакки, Туркияда яшаётган булғор, кипр каби халқларга паст-назар билан қараш, айниқса асл ва паст табақалар тамғаси билан ажратилган турк халқининг ўз ичида инсон қадри топталаётган, буларга нисбатан дўстлик эмас, очиқ-ойдин душманлик сиёсати юргизилаётган бир пайтда Кўчар монолит бирлик, дўстликка асосланган Ўрта Осиё халқларига «ғамхўрлик» қилмай қўя қолса, телбаликдан тушиб қолмас эди.

У ўзининг уйдирмаларини янада ривожлантириб бориб «Туркистонни мустақил бўлишига қарши борувчилар ёзувчилар»дир (222-бет) дейди.

Унинг фикрича, «биринчи оқимга» мансуб бўлган «шоирлар совет раҳбарлиги сиёсатининг кўзда тутиб ижод қиладилар, «аслида эса ўзлари миллий анъаналарига хизмат қиладилар» эмиш. У мана шу ғоявий чалкаш фикрини давом эттириб, ўзи танлаб олган баъзи тарихий воқеаларга бағишланган ва социалистик реализм, тарихийлик принципларига асосланган шеърларни тарихий ҳақиқат кўзи, инсоний фаросат мезони билан ўлчамай, «ўз ўлчови»да баҳолай бошлайди — улардаги лирик чекиниш, лирик руҳ ва объектив ҳақиқатни кўрсатувчи айрим мисраларни умумий мантиқ бирлигидан юлиб олиб «таҳлил» қила бошлайди. Натижада советшунос кўнглига мос «юлуқ» ғояни яратиб, сиёсат майдонида, ўзининг ўта фаросатсизлиги, адабиётшуносликда калтабин эканлигини намойиш этади. Шу ўринда миллатчиликнинг ядроси ўлароқ маҳаллийчилик ботқоғига ботган Кўчар туркларнинг жаҳонга таниган прогрессив ёзувчиси Нозим Ҳикматнинг кўп йиллар турк мамурлари томонидан таъқиб остига олиниб, турмаларда қийналганлигини эслашни ёдига келтирмади. Кўчарга ўхшаш ҳаётни, оддий ҳақиқатни туман остидан кўрувчи шабкўрлар тақдирига «ачиниб», улар устидан рўй-рост кулган Нозим Ҳикмат «коммунистик пропагандист»ликда айбланди. Бу нарса оддий, соф виждонли турк халқини ғазаблантирди. Олдин ўзинигга боқ, сўнг ноғора қоқ, деган нақлни эслаш зиён қилмайди. У масаланинг бундай муҳим томонини четлаб ўтди.

«Адабиётшунос» ва «сиёсатдон» Кўчар туркман шоири Ота Отажоновнинг «Йиллар, йиллар» ва «Йўллар, йўллар», қорақалпоқ шоири Иброҳим Юсуповнинг «Қорақалпоқ», Ғафур Ғуломнинг «Қозоқ элининг улуғ тўйи» ва бошқа авторларнинг шеърларини «таҳлил» қила бошлайди.

У «Йиллар, йиллар»да «Туркистоннинг туркий халқлари асли қондош, миллати бир» деган ғоя олға сурилган, дейди «Йўллар, йўллар»да эса бу маҳаллий халқлар тарихан бир бўлган» деган фикрни келтириб, бу билан Ўрта Осиё халқларининг тарихий дўстлиги, қондошлиги ва бирлиги тўғрисидаги оддий ҳақиқатни фаҳмлаб ололмай, ўзига хос «фикрлаш» асосида бошқача талқин қилади: «Кўрдингизми, Туркистон халқлари тарихан бир миллат, қондош, тили, дили бир. Улар алоҳида Туркистон бўлиб яшаш учун ярим асрдан буён курашиб келишади», деган ҳақиқатдан йироқ туҳмат ва бўҳтондан иборат уйдирмани тарқатмоқчи бўлади.

Уйдирмачи ҳеч тап тортмай И. Юсуповнинг «Қорақалпоқ» шеъри ғоясига ғаламислик қила бошлайди — шеърда шоир хаёлига келтирмаган ғоя — «Қорақалпоқ халқи туркий эмас», деган тушунчани гўё шоир олға сурган қилиб кўрсатиб, ўз фикрини ўта «саводхон», «одил» идеолог позициясидан туриб, «қорақалпоқ халқи ўтмишдан туркий бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади» (222-бет) деб хулосалайди.

Кўчарнинг бундай тўқим табиат фаросати, занглаган фикри асосидаги адабий «таҳлил»лари жараёнида ўзбек ва қозоқ халқларининг бир-бири билан азалий дўст, биродар, қондош, жондош бўлиб яшаганлигини тараннум этувчи «Қозоқ элининг улуғ тўйи» шеъридаги мисраларни умумий мантиқдан юлиб олиб, «ана, кўрдингизми, бу халқлар «қондош, жондош, бир» эканлигини Ғафур Ғулом ҳам тан оляпти, энди бу сифатлар ҳақиқатга айланиб, қозоқ билан ўзбек мустақил бўлиб бирлашиши лозимлиги ифодаланган» қабилида фикр юргизиб, тирноқ остидан кир қидира бошлайди. Бу билан у Совет Иттифоқи халқлари шахсан рус халқи билан Ўрта Осиё халқлари ўртасидаги мустаҳкам дўстлик, ягона бирликка нифоқ солмоқчи бўлади, миллатлар ўртасида фикрий келишмовчиликлар яратиб, сиёсий системамизга ғоявий ҳужум бошламоқчи бўлади.

Минг афсуски, бу уринишлар буржуа сиёсий ғаламисларининг ўта калтабинлиги оқибатида майдонга келган тирноқ остидан кир қидиришнинг амалий кўринишн, холос.

Ҳ. УЗОҚОВ,
Т. Н. Қориниёзов номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-текшириш институти коммунистик тарбия бўлимининг катта илмий ходими, филология фанлари кандидати, доцент.

Дунё хабарлари

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ПОЛЬШАДА ЧЕКИШГА ҚАРШИ КЎРИЛАЁТГАН ТАДБИРЛАР

ВАРШАВА. Купедаги менинг ҳамроҳим сигарета чекмоқчи бўлиб, гугурт ёндираётганида коридордан ўтиб бораётган проводник уни огоҳлантирди: «Поездда чекканлик учун 20 минг злотий жарима тўлашга тўғри келади». Бу гап унга дарров кор қилди. Йигит дарҳол оловни ўчирди: 20 минг злотий — ахир кам пул эмас. Бу мамлакатдаги ўртача ойлик маошга яқинлашиб қолади.

Польша аҳолиси 37 миллион кишидир. Шулардан 11 миллиони сигарета чекади. Уларнинг тўртдан бири хотин-қизлардир. Польша кўп йиллардан бери кашандалар сони жиҳатидан жаҳонда олдинги ўринлардан бирини эгаллаб турибди. ПХР соғлиқни сақлаш ва социал таъминот министрлигининг сўнгги маълумотларига қараганда, уларнинг ҳар бири йилига уч мингтадан кўпроқ сигарета чекади.

Ана шу одатдан кўриладиган зиён сезиларли ва аниқ равшандир. Ўз организмини никотин билан заҳарлаётган кишиларнинг 70—80 минг нафари ҳар йили инфарктга чалингани қайд этилмоқда, онкологик касаллар билан оғриган беморлар сони ортиб бормоқда, аввало ўпка ракига учраганлар кўпаймоқда, қарийб 3,5 миллион кашанда қон босими касаллигига йўлиққан.

Ҳозир Польшада чекишни чегаралаши лозим бўлган қонун лойиҳаси тайёрланмоқда.

СОВЕТ ТАШАББУСЛАРИ ТЎҒРИСИДА

БЕЛГРАД. КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев илгари сурган тинчлик ташаббуслари қуролланиш пойгасини тўхтатиш, жаҳон хавфсизлигини ошириш йўлида ташланган қадамдир, деб ёзади Югославияда чиқадиган «Коммунист» ҳафталик газетаси. СССР таклифларининг ишончлилиги шу билан мустаҳкамланганки, уларда ўртача олислик ракеталари тўғрисидаги Американанинг «ноль» варианти инобатга олинган, СССРнинг бу таклифлари ядровий ва оддий қуролларнинг барча элементлари бўйича бетим тузилиши мақсадида музокаралар ўтказишга тайёр эканлигидан далолат бериб турибди.

Европадаги ўртача олислик ракеталарини тугатиш бўйича Совет-Америка музокаралари биринчи даражали аҳамиятга молик воқеадир, чунки ана шу соҳада битимга эришиш ядровий қурол-аслаҳахоналарини реал қисқартириш йўлини очиб беради, деб таъкидлайди ҳафталик газета. Ҳозир шу нарса батамом аён бўлиб қолдики, ядро қуроли кучидан бирон-бир сиёсий мақсадда фойдаланиш мумкин эмас, қуролланиш пойгаси натижасида ким фойда кўраяпти-ю, ким зиён кўряпти, деган мавзуда ги узундан узоқ прогнозлар ўрнини қуролланиш пойгасини тўхтатиш борасидаги конкрет битимлар эгаллаши керак.

МАДРИД. КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев илгари сурган Европадаги барча ўртача олислик ва оператив-тактик ракеталарни тугатиш тўғрисидаги таклиф— Совет Иттифоқи ядро қуролларини реал қисқартиришга эришишга интилаётганлигининг ишончли далилидир. Италиянинг истеъфога чиққан генерал лейтенанти, «Тинчлик ва қуролсизланиш учун курашувчи генераллар» халқаро урушга қарши ташкилотнинг актив қатнашчиси Нино Пасти ана шундай деди. У Мадридда ўзининг «Рейкьявикдан кейин» китоби босмадан чиқиши муносабати билан Испания пойтахтига келган эди.

ТАСС мухбири билан суҳбатда Н. Пасти қуйидагиларни айтди: совет таклифининг амалга оширилиши ядровий қуролсизланиш йўлида ва М. С. Горбачевнинг 1986 йил 15 январдаги Баёнотида таърифлаб берилган XX асрнинг охирига қадар Ер юзидаги ядро қуролини батамом тугатиш программасини рўёбга чиқаришда қўйилган биринчи жиддий қадам бўлур эди.

АФҒОНИСТОНДА МИЛЛИЙ ЯРАШ ЖАРАЁНИНИНГ БОРИШИ

КОБУЛ. Афғонистон халқ демократик партияси (АХДП) Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси, АДР Министрлар Советининг Раиси С. А. Кештманд Бомнён вилоятининг аҳолиси билан учрашди. Қабилаларнинг оқсоқоллари ва ҳокимият маҳаллий органлари вакиллари ҳузурида нутқ сўзлаб, у АХДП ҳамда АДР ҳукуматининг миллий яраш йўлини афғон халқи қўллаб-қувватлаётганликларини айтдилар. Кобул шаҳрида бўлиб ўтган жирғада улар Валихайл Вазир қабиласи ёлғон-яшиқ ташвиқот оқибатида чет элга бориб қолган афғонларнинг ватанга қайтишига ёрдам беришни ўзининг асосий вазифаси, деб ҳисоблаётганлигини айтдилар.

Покистон территориясида яшаётган Валихайл Вазир қабиласининг йўлбошчилари ва оқсоқоллари миллий яраш йўлини қўллаб-қувватлаётганликларини айтдилар. Кобул шаҳрида бўлиб ўтган жирғада улар Валихайл Вазир қабиласи ёлғон-яшиқ ташвиқот оқибатида чет элга бориб қолган афғонларнинг ватанга қайтишига ёрдам беришни ўзининг асосий вазифаси, деб ҳисоблаётганлигини айтдилар.

Объективда—АДР



АДР. Майда ҳунармандчилик устахонаси ва савдо дўконлари — ўзига хос «магазин» ҳисобланади. Буларнинг ҳаммаси биргаликда савдо расталарини ташкил этади. Бу ерда савдо юритиш санъат ҳисобланади: дўконга кириб, у ердан бирон нарса харид қилмаслик асло мумкин эмас.

СУРАТДА: Ғазна вилоятидаги дўконлардан бирида.

Г. Надеждин фотоси. (ТАСС).

ЭЛЕКТРОН ТАРБИЯЧИ

Баъзи давлатларда сотувда ғайритабиий электрон қурилмалар пайдо бўлди. Бу қурилмалар ёш ота-оналар орасида шуҳрат қозонди.

Қурилма кичкинагина приёмник ва микрофондан ташкил топган. Приёмник ота-оналар қўлида бўлса, микрофон шўх болаларнинг кийимларига ўрнатилади. Микрофон ўрнатилгач, болакайдан хавотир олмаса ҳам бўлаверади: агарда бола ота-онасидан 5—10 метр узоқроққа кетиб қолса, ёки сувга тушса, микрофон ишлаб кетади ва приёмникдан баланд овозда сигнал янграйди. Электрон тарбиячи ота-оналарга ўз фарзандларини кўздан қочирмаслик учун катта ёрдам бермоқда.

Калейдоскоп

ОЛМАНИНГ ФОЙДАСИ

Қадимданоқ греклар олмани ёшлик куввати дейишади. Ҳозирги вақтда врачларнинг айтишларича, олма паришонхотирликка қарши ажойиб дори бўларкан.

Француз кардиологлари буни исботлаш учун бир қанча текширишлар ўтказишди. Врачлар турли хил ҳайвонларга кўп миқдорда олма беришиб, уларнинг қондаги холестерин миқдорини текширишган. Шундан кейин текширишлар 90 киши билан ўтказилган, улар ҳар куни 300 грамм миқдорда олма еганлар, паришонхотирлик ҳоллари уларни бутунлай тарк этган, деб ёзади Чехословакиянинг «Люд» газетаси.



Оила даврасида суҳбатлар

ҲИКМАТЛАР

⊙ Яхши топиб гапирар,
Ёмон қопиб гапирар.

⊙ Сел ерни бузар, ёмон элни.

⊙ Сув тўғондан тошар,
Ёмон девордан ошар.

⊙ Суюқ одамга сув юқмас.

⊙ Ургандан туртган ёмон.

⊙ Овчи тўқайни оралайди,
Ёмон дилни яралайди.

О. ХОЛМАТОВ тўплаган.

АТЕИСТИК БИЛИМЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейида янги лекторий иш бошлади. Бу лекторий «Атеистик билимлар — оммага» деб аталади. Лекторий машғулотлари ҳар ойда бир марта бўлади. Унинг мақсади меҳнаткашларнинг атеистик билимларни бойитиш, музей ходимларининг атеистик билимларини омма орасига ёйишларида замонавий метод ва усулларни эгаллашларига кўмаклашишдан иборат.

Лекторийнинг биринчи машғулотида «Одамнинг пайдо бўлишига доир маълумотлар» мавзунда суҳбат бўлди. Уни Ленинград археология институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари доктори, профессор Борис Павлович Григорьев ўтказди. У йиғилганларнинг саволларига жавоб берди.

Ушбу лекторий машғулотлари ишлаб турган «Тасаввуримдаги шаҳар», «Тарихий билимлар университети» лекторийлари қаторида музей знёратчиларига манзур бўлмоқда.

Б. ТЎХЛИЕВ.



«Менинг қушчам чиройлими!..»

Т. Каримов фотоэтюди.

БИРИНЧИ МУҲАББАТИМ

Бўлган воқеа

Мен уни севардим. Шундай севардимки, ўзимга қолса унинг сочларини эркак киши тугул, ҳатто шамол силашига ҳам асло кўнмаган бўлардим. Исми Ойим эди унинг. Бировни ҳаддан зиёд севсанггина дил изҳорини айтолмайсан. Мен ҳам унга севгим ҳақида сўз очишдан, рости чўчирдим. Балки бу уни қаттиқ севганимдандир, ундан ташқари Ойимхон мендан икки ёшча катта эди. Эҳтимол тортинишим ана шундандир. Фақат унга билдирмай термулардим, билдирмайгина уни ўйлардим.

Ойимхон шундайгина ён ҳовлида бизга қўшни бўлиб яшарди. Бир кун кўрмасам соғинардим. Фақат сўзлашишдан чўчирдиму, аммо хаёлим ҳамиша Ойимхон билан банд бўларди. Йиллар ўтди. Тилим ўша-ўша соқовлигича қолди. Кейин уларнинг уйида тўйга тараддуд бошланди. Кўзимга дунё тор кўриниб кетди. Уларнинг ҳовлисида карнай овози, сурнай ноласи янгради.

Кўпчилик айтишича, ажойиб тўй бўлди, ўша куни фақат Ойимхоннинг ўзини эмас, менинг умидимни ҳам олиб кетди куёв. Мен ўша оқшом йиғладим, тўйиб йиғладим. Энг ачинарлиси йиғладиму, Ойимхонга барибир ҳеч нима дея олмадим. Мен ўтиб кетар деб ўйлагандим.

Йўқ, ўтиб кетмас экан. Кўргулик мен учун энди бошланаётган экан ўшанда. Шундан сўнг Ойимхонни излаб улар яшайдиган Наймон қишлоғига кун аро қатнай бошладим. Умидим узоқдан бир кўриш, соғ-саломат эканлигини билиш эди. Яёв беш километр йўл юриб келардиму, учратолмай қайтиб кетардим. Ойимхон яшайдиган уйга ботиниб кира олмасдим. Тўғриси одамлар орасида унинг гап-сўз бўлишини истамасдим. Шу билан бирга уни тамоман унута олмасдим ҳам. Унга ой қўшқа боққандай узоқдан билдирмай боқар эдим. У менинг офтобим эди, менинг юрагимга муҳаббат нурини сочиб турарди. Узоқдан бир кўриш бахт эди менинг учун. Ўша даврлар ҳам ўтиб кетди. У эса бу вақт ичида анча тўлишди. Назаримда яна ҳам очилди. Кейин эса битта фарзанднинг онаси бўлди. Йўқ, барибир ундан кечаолмас эканман. У ҳамиша хаёлимда эди. Унга талпинардим.

Шундай қилиб, яна бир неча йил ўтди. Кейин бир куни ўғлини кўтариб келаётганини кўриб қолдим. Кўзларида алам, боши эгилган, Олдига чопиб чиқдим. Йўқ, энди ундан нимагадир тортинмадим.

— Салом! Яхшимисиз Ойимхон?—дедим биринчи марта дадил ҳолда.

— Салом Садир, раҳмат, мен яхшиман. Ўзингни ишларинг яхшими? — деди у ҳам. Ўшанда у менга тик термулди, мен эса унга муҳаббат билан боқдим. У сезмади-йўқми билмайману, Ойимхон кўзларини олиб қочди. Кейин отасиникига кириб кетди. Ўша-ўша у эриникига қайтиб кетмади.

Кейинчалик эридан аразлаб келганини қўшнилардан эшитдим. Мен бунга севинганим йўқ, аксинча яна хафа бўлдим. Биласизми, нега? Ахир мен у билан очиқ сўзлашишга ботинолмай чўчиб юрсаму, қандайдир бир нотаниш кимса уни ҳақорат қилса. Мен унга талпинсаму, уни бошқа биров ҳайдаб юборса. Йўқ, чидаб туролмадим. Ўша куни эрининг олдига бордим. Исми Шокир экан. Жаҳл устида сўкиндим, бутун ғазабимни унга сочдим. Ойимхонни севишимни айтдим. Мен ҳеч қачон ўзимни ўшандагидай ғайратли ҳолда ҳис этмагандим. Шокир аввалига миқ этмади. Кейин ҳақоратли оҳангда жилмайди ва менга:

— Севсанг, ана Ойимхон. Энди бемалол уйланишинг мумкин. Ўғлимни ҳам сенга ҳадя қиламан. Унинг исми ҳам Садир. Сен билан адаш, — деди.

Шокирнинг гаплари жуда аччиқ эди. Шунгами, шиддат билан юзига шапалоқ тортиб , юборганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Аввалига: «Иккинчи ҳақорат қилсанг кунингни кўрсатаман», — деб дўқ ҳам қилдим. Бўлмади. Кейин Ойимхон гап-сўз бўлмасин деб ялиниб кўрдим. У Ойимхон билан бирга ҳаёт кечиришга кўнмади.

Ҳаёт нақадар мураккаб! Мен уни шу қадар севсаму, унга эриша олмасам. Шокир эса уни зиғирча ҳурмат қилмаса-ю, бағрига босса. Айтгандай у нега ўғлининг отини Садир қўйди экан-а? Нима, унинг менга кўнгли бормиди? Мен ўзимни қўлга олишим керак. Ахир мен уни севаман-ку. Ойим билан гаплашишим керак. Уйига бостириб кириб бордим. Бахтимга ҳеч ким йўқ экан. Ҳаммасини айтиб солдим. У аввалига диққат билан тинглади, кейин хўнграб йиғлади:

— Сен, Садир, ажойиб йигитсан, Лекин ўзинг ўйлаб кўр. Мени бошингга урасанми,— деди Ойимхон.

— Менга Сиздан бошқаси керак эмас. Сиз мени тўғри тушунинг Ойимхон. Мен Сизни деб ҳалигача уйланмай юрибман, — дедим дангалига кўчиб.

— Йўқ, бу сўзларинг нотўғри, эл нима дейди, одамлар нима дейди?.. Кейин ўзинг ҳам бир умр ўкиниб юрасан... Шу гапингни нега олдин айтмадинг. Мен сенга йўқ демасдим. Ўзимнинг ҳам сенга кўнглим бор эди. Ўзим айтаолмадим, чунки сендан ёшим катта эди. Ўзинг эса индамадинг... Севгим ҳурмати ўғлимнинг исмини Садир қўйдим. Энди сенга асло тенг эмасман. Бўлмайди, Садир. Ҳаммаси ўтиб кетади ҳали,— тасалли берган бўлди Ойимхон.

«Нималар бўляпти ўзи? Наҳот олдин айтмаган экан-ман. У рози бўларканку, ўйлардим. Мен усиз яшай олмайман. Наҳотки шуни тушунмасангиз. Фарзандингиз бўлса нима қилибди. Ҳозир у менга ўрганиб қолди. Ҳар куни вақтида айтмаган бўлсам, бу менинг айбим. Жазосини ўзим тортяпман-ку. Нима қилишим керак Сизга етишмоғим учун. Яна бир марта хато қилишим керакми? Бошқа бировга уйланиб ажралишим керакми? Сизга тенг бўлмоқ учун. Шуни истайсизми? Бундай қилолмайман. Менга қулоқ солинг. Мен ўзимни жуда яхши биламан. Такрор айтаманки, Сизсиз яшаш мен учун жуда қийин бўлади. Сиз гап-сўзлардан чўчинманг. Мен уларга тамомнла тайёрман. Фақат мени севсангиз бўлди. Менга Сизнинг севгингиз керак, Ойимхон, Ўзингиз кўнглим бор эди дедингиз-ку. Мен уни бир йил эмас, ўттиз йил кутдим. Бу оз муддат эмас. Энди етдим деганда арзимас гап-сўз бўлишини ўйлаб тарк этманг, Ойимхон»,— дедим.

Ойимхон бу илтижоларимга рози бўлмади. Бироқ ҳалигача турмуш қилмади.

Ҳаёт қанчалар мураккаб, ҳам гўзал, ҳам аччиқ. Унда ҳаммасини кўрасан. Алданганни ҳам, алдаганни ҳам. Керилганни ҳам, эгилганни ҳам. Ҳаммаси гўё қонуний. Чунки ҳаммасига ўзинг айбдор бўласан. Айбсиз одам бўлмайди. Фақат уни ўз вақтида тузатган кишигина афсусдан бошини тошга урмайди. Яшаш учун биринчи навбатда улкан сабр керак. Хато қилмасликка интилиш керак. Курашиш керак. Бугун кимга тор бўлиб кўринган бу олам ким учундир беҳудуд, кимгадир беҳуда ўтаётгандай туюлаётган ушбу кундар ким учундир гаштли ва мароқли. Кимнингдир бошига тушган бахтсизликдан ҳаёт тўхтаб қолмас экан. У давом этаверяркан. Менинг ҳам умидсизланишга ҳаққим йўқ. Умидим эса Ойимхон! У эса менга жуда ҳам яқин. Унинг қўнғироқдай товушини эшитиб, лабидаги ғунча табассумигача ҳар куни кўриб тураман. Ана шу табассум учун, ҳаётбахш овоз учун яшаяпман. У менинг биринчи муҳаббатим, умид юлдузим бўлиб , чарақлаб турибди.

Д. САЪДУЛЛАЕВ.

ПРОФЕССОРДАН ЭСДАЛИК

Пойтахтимизнинг Карл Маркс кўчаси бўйлаб сайр қилган киши эътиборини шаҳримиз марказига яқинлашган жойдаги қишин-ёзин ям-яшил яшнаб турган арчалар ўзига тортади.

Қизиғи шундаки, улар бундан 86 йил олдин экилган экан. Уларни машҳур шифокор олим М. Слоним яхши ният билан ўз қўллари билан ўтқазган. Профессор уларни Нальчик шаҳридан авайлаб олиб келиб, атайин шу кўчага экибди.

М. Слоним Тошкент Давлат медицина институтининг асосчиларидан бири, кафедра мудири эди, лекцияларда сўнг шу серфайз кўчадан аста юриб, ўзи парваришлаётган арчаларни завқланиб томоша қилган. Кўчатлар дастлаб учта эди. Кейинчалик битта тупи қуриб қолди. Иккитаси эса ҳамон яшнаб, атоқли олимдан эсдалик сифатида турибди.

Николай НИКИТИН.

ОЛТИН БАЛИҚНИНГ ҚАЙТИШИ

(ШИНГИЛ ҲАЖВИЯ)

Ботир ўғлоннинг ови баридан келди. Унинг қармоғига олтин балиқ илинди. Шунда балиқ тилга кириб:

— Ҳар қандай истагингни бажо келтираман, фақат мени қўйиб юбор!— дея илтижо қилди.

Ўғлон хаёлга чўмди. Балиқ тоқат қилолмай:

— Машинанг бормн! — деб сўради.

— Йўқ,— жавоб қилди Ўғлон.

— Шуни сўра.

— Ҳайдаш гувоҳномаси биланми!

— Йўқ, гувоҳнома бераолмайман. Шахсий фазилат ва кўникма беришга ҳаққим йўқ.

Ўғлон ўйланиб қолди. Курсда ўқиши керак... Кейин машинани қаерга қўяди! Ремонти-чи!

— Менга машина керак эмас!

— Унда мансаб беришим мумкин.

— Жавобгарлиги йўқми!

Ботир ўғлон яна хаёлга чўмди. Йиғлишлар, баҳслар... Инфаркт... Баҳслар, йиғлишлар, қўнғироқлар...

— Йўқ, — дейди у,—менга мансаб ҳам керак эмас.

Шунда олтин балиқ ҳам ўйланиб қолди. Кейин:

— Уйлангаммисан! — деб сўради.

— Йўқ.

— Қайлиқ керакми!

— Бошқаларникига ўхшамаганми! — сергак тортди Ботир ўғлон.

— Албатта, бошқаларникига ўхшамаган! — ҳайқирди балиқ.

— Кейинчи!

— Кейин... — чайналди олтин балиқ, — кейин балки ҳамманикига ўхшар...

Ботир ўғлон яна ҳам чуқур ўйга толди. Уйланган синфдошлари билан онда-сондаги учрашувларни эсладн. Уларнинг айтадиган гаплари ҳам ёдига тушди.

У олтин балиққа ҳеч нарса демади. Ўрнидан турди-ю, қулочкашлаб балиқни сувнинг узоқроқ жойига ирғитди.

Кейин қармоғини йиғиштиришга тушди.

Русчадан Фотиҳ ЖАЛОЛОВ таржимаси.

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

● Картошканинг арчилган пўчоғини майдалаб тўғранг, сирка ҳамда туз солинган иссиқ сувга аралаштирсангиз, шиша ювадиган аъло сифатли модда ҳосил бўлади.

● Пўсти билан қайнатилган картошка сувини тўкиб ташламанг. У шиша, фаянс ва сопол буюмларни жуда яхши тозалайди.

● Лимон пўстлоғини қуйқаланган ёки қум бойлаган идишда 10 минут қайнатсангиз бас, идиш чўкмадан тозаланади.

● Сабзавот қайнатилган сувни тўкиб юборманг. Қайнатмадан фойдаланмасангиз, уни совутиб қўйинг-да, хонаки гуллар тувакчасига қўйинг.

Бувижон, ўқиб беринг

МЕҲМОН-МЕҲМОН ЎЙНАЙМИЗ

— Яхши келдинг,
Ўртоқжон,
Шодон қўшиқ куйлаймиз.
— Йўқ, Санобар бугун-чи,
«Меҳмон-меҳмон»
ўйнаймиз.

Мезбон тузаб дастурхон,
Олма ўрик, нон қўйди.
Ҳаммасидан еб чунон,
Омон полвон заб тўйди.

Одилжон ЖЎРАЕВ.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

● Термосга суюқлик қуяётганда у тиқингача чиқмаслигини ҳамда шиша колба билан ташқи қоплама оралиғидаги бўшлиққа қуйилиб кетмаслигини кузатиб туринг.

● Мўйна буюмларни ёзда сақлаш учун пўстин, ёқа ва бош кийимларни уй ҳароратида қуритиш керак. Мўйна устига қўнган чангни силкитиш ёки майин хивич билан оҳиста қоқиб ташланади. Мўйна кийимларни асрашда нафталин солинади. Нафталинни халтачага солган маъқул, чунки нафталинга тегиб турган мўйналар қорайиб тўкилиб кетади. Кийимни ип газламага ўраб тикиб қўйиш керак.

● Сумка ёки куртказларга ўрнатилган занжирсимон ёпқич осонгина очилиб ёпилсин десангиз, юмшоқ қалам ичидаги грифни майдалаб, уларга бир неча бор суртиб қўйинг.

● Хўл зонтни йиғиб қўйманг. Зонт кўпга чидасин десангиз, қуригунча очиқ ҳолда сақланг.

● Қаттиқ тахтага бурама мих қоқиш осон иш эмас. Мих қоқиладиган жойни бигиз билан ўйинг, бурама михга эса яхшилаб совун суртинг. Шунда иш осон битади.

● Янги супургини намакобли қайноқ сувга 2—3 соат ботириб қўйинг. Шунда у ўз вақтида бундай ванна қабул қилмаган супургидан икки-уч баравар ортиқ хизмат қилади.

А. ОБИДХЎЖАЕВ тайёрлаган.



Янги шеърлар

⊙ Темур Убайдулло — «Телефон», «Замин муҳаббати», «Ҳаёт гули» каби шеърий китоблар муаллифи. СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси. Ҳозир «Гулхан» журналида бўлим мудири бўлиб ишлайди.

ЛЕНИН

Бир саҳар қўлимга тутганда қалам,
Жўшқин туйғуларим тушди сатрга,
Мамнунлик чулғади қалбимни шу дам
Дастлаб буюк Ленин келди хотирга,
Ҳаёт бу, яшамоқ осонмас асли.
Кўпдир ғов қўйгувчи кажбаҳс шотирлар.
Шундайин кунларга қолганим фасли.
Дастлаб буюк Ленин келар хотирга.

Бу менку юртимдан кичик бир зарра,
Гўёки бошоқнинг бўлиқ донаси.
Ленинни эслайди кунда бир карра,
Курран заминнинг ҳар бир хонаси.
Ленин ҳаёт экан ҳақдир барқарор,
Сира ҳам ўксуклик кўрмайди инсон
Қайда мазлумларга етса гар озор,
У нажот қўлини чўзар ўша он.

ОЙБЕК

Она замин бағрида алвон
Лолалардан доғлари
бордир.
Лек суянчиқ бўлгудек
полвон
Қадди баланд тоғлари
бордир.
Ўша тоғлар силсиласида
Бир тоғ борки забонсиз
ўктам
Давронларнинг
зилзиласидан
Чидам ила безавол ўтган.
Не чақмоқлар бошидан
ўтди,
Не қисматлар емиролмади
Не чўлларга у ҳаёт тутди
Ўзи қатра симиролмади.
У шунчалар эрур
сарбаланд
Ғеграларн чаманзор,
боғли.
Кўролди беш асрлик
йўлдан
Навоийдек буюк бир
тоғни.
Парчаланиб фаслма-фасл
Нураб борар тоғларнинг
бари.
Ул тоғ эса ўсар муттасил,
Юксалади нақт ўтган сари!

ЗАРАФШОН СОҲИЛИДА

Кўрган-билганлар бор, диёнат билан
Ҳақиқатни айтиб бугун сўзланглар.
Худди қалбимиздек мавжларга тўлган
Бир пайтлар лим тўлиб оққан ўзанлар.

Қани ўша мавжлар?
Қани сув зилол?
Наҳотки шу азим дарё қурибди?
Инсоний очкўзлик қаршисида лол,
Ҳайратдан оғзини очиб турибди.

ДУНЁНИ АНГЛАМОҚ МУШКУЛ

Бировга бу ҳаёт миндирибди тулпор,
Бировнинг бўйнида эса кашкул.
Пасту баландини фарқламасанг бир бор
Бу дунёни англамоқ мушкул.
Отинг жиловин торт мўйсафидларни
кўрсанг,
Эъзоз билан эгардан тушгил.
Йўқса мўйсафид, миллион ёшга кирган.
Бу дунёни англамоқ мушкул.
Лоқайдликка бўлма асло-асло дучор,
Ҳамиша қайнаб тош, жўшгил.
Агарда бўлмасанг шиддатли, забткор,
Бу дунёни англамоқ мушкул.

Пойингда юради ғаним зоти дон,
Бир қўлингни оч, бирини мушт қил.
Бўлсанг барчага баробару у мулойим,
Бу дунёни англамоқ мушкул.
Яшиликдан кулсин ҳар дам бағрингда
ёз,
Ёмонликнинг умрини қиш қил.
Бўлсанг агар бефарқ, лоқайд, дамсоз,
Бу дунёни англамоқ мушкул.
Ҳозир зап навқирон азамат пайтингда,
Яшамоққа ишт, яратишга шошгил.
Агар тирик мурда бўлсанг айтаман
Бу дунёни англамоқ мушкул.

ҚИЗҒАЛДОҚЛАР

Қип-қизил бўлади кўкламда теварак,
Қонининг томчилармш қизғалдоқлар...
Майсаларда юрганда эҳтиёт бўлинг,
Заминни авайланг ўртоқлар.
Қизғалдоқларнн гул деманг сира ҳам,
Қизғалдоқлар — заминнинг ярасн.
Биз эса уларни бунча гўзал деб
Даста-даста қилиб терамиз.
Ҳар баҳор келганда дардн бир янгиланиб,
Оловранг бўладн она Замин.
У — она ҳар яра бир азобнинг ўрни,
Минг бўлади битта оламн.
Она Ернн авайлаб, кўздек асрайлик,
Бир кунн уволн тутмасин.
Ҳой-ҳой, қурол ушлаган ўжар кимсалар,
Қизғалдоқлар кўпайиб кетмасин.

Темур УБАЙДУЛЛО.



Шаҳарликлар эҳтиёжини қондиришда «Зангор экран»га қарашли «Радуга» телевизор тузатиш ательеси кўплаб ишларни бажармоқда. Ателье ҳар куни рангли телевизорларни сифатли тузатиш билан таҳсинга сазовор бўлмоқда.

СУРАТДА: (чапда) илғор ремонтчи, радиомеханиклар бригадаси бошлиғи Анвар Шарипов ва ремонтчи Руслан Шукуровлар иш устида.

М. Нурмдинов фотоси.

Габрово хандалари

— Дада, гилам қоқаётган эдим, 10 тийин топиб олдим. Нима қилай?

— Яхшилаб қоқишни давом эттир, ўғлим.

⊙

Кондуктор электропоездда бир боладан сўради:

—Сен нечанчи синфда ўқийсан?

— Учинчида.

— Ешингчи, нечада?

— Беш ёшдаман,— деди кичик габроволик билет олмаслик илинжида.

⊙

— Қўшни, итинг яна товугимни еб қўйди!

— Огоҳлантириб қўйганинг учун раҳмат. Бугун итимга овқат бермайдиган бўлдим.

⊙

— Ана шу тугунларни вокзалгача элтиб бериш учун неча пул оласан? — сўради габроволик юк ташувчидан.

— Катта тугун ўчун 5 лев, кичик тугунлар учун 2 лев.

— Унда катта тугунни ўзим кўтариб бора қоламан. Сен кичкиналарини олиб бора қол.

⊙

— Эртага зиёфат, борсамми, кан, бормасамминкан?

— Зиёфатни ким уюштирияпти?

— Мен.

⊙

— Менга қора товуқнинг тухумидан беш дона беринг. Сотувчи аёл ажабланиб деди:

— Агар уларни ажратиб олишни уддалай олсанг, танлаб ола қол.

Габроволи энг йирик тухумларни танлаб олгида, жўнаб қолди.

Ш. МИНОВАРОВ, таржимаси.

Қизиқишлар оламида

Виставка экспонатлари—кактус

Тиканакли узун поядаги нафис сирень тусидаги гул очилди. Тошкентдаги «Априкус» клуби ташкил этган виставкада «Эхиноцереус» — шам — кактус гуллади. Клуб шу ғаройиб ўсимликлар шинавандаларини бирлаштирган. Шаҳар «Билим» жамиятининг биносида 500 хилдан кўп кактус кўрсатилди. Коллекционерлар бу ерга ажойиб шакл ва кўринишдаги ўсимликларни йнгганлар.

Виставка қатнашчиларидан бири коллекциячи И. С. Глиндеманнинг фикрича, зигокактус виставкада кўрсатилган ўсимликларнинг энг жумбоқлисидир. У фақат янги йил олдидан гуллайди. Бу тур кўп асрлар аввал ватани — Бразилия чангалзорларини тарк этганди.

—Биз чет эллардаги кўпгина кактус ҳаваскорлари билан алоқа боғлаб келаяпмиз, —дейди клуб раиси, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти автоматика кафедрасининг муаллими А. П. Байдюк. — Ҳар йили бизга кактус ўстириш тажрибаларини баҳам кўришни, бирон турни пайванд қилиш хусусиятлари тўғрисида гапириб беришни сўраб юзлаб хатлар келиб туради. Биз илмий тадқиқотлар билан шуғулланаманиз, табиатни эъзозлаш кераклигини тарғиб этамиз, ишимизга кўпроқ кишиларни жалб этишга ҳаракат қиламиз.

(ЎзТАГ мухбири).

Омилкорлик—туман бойлик

Чангдан ишланган қотишма


Мўридан чиқиб кетадиган енгил чанг салмоқли наф келтириши мумкин экан. Зестафони темир қотишмалар заводининг мутахассислари шуни исбот қилдилар. Улар учиб кетувчи марганец чангини йиғиб олиб, қўшимча хом ашё манбанга айлантирдилар.

Корхонадан бундан бир неча йил аввал кучли газ тозалаш комплекси ишга тушди. Бу комплекс катта бир регион устидаги осмонни саноатнинг зарарли чиқитларидан тозалашга имкон берди. Бу иншоот қимматга тушди. Лекин завод миришкорлари ясаган содда бир сепаратор туфайли бу ердаги экологик харажатлар нафли бўлиб қолди. Сепаратор марганец чангини ушлаб ғўла ҳолига келтиради ва у яна ишлатилади.

Шу тахлитда ҳар куни юз тонна чиқит қайтарилмоқда ва у йилига 15 миллион сўмгача наф келтирмоқда.

Металлурглар ишлаб чиқаришни тамомила чиқитсиз қилиш ҳаракатида ҳатто шламдан ҳам фойдалана бошладилар. Ундан ясалган бинокорлик материаллари харидоргир бўлмоқда.

И. КВАРАЦХЕЛИЯ, ТАСС мухбири.
ЗЕСТАФОНИ, Грузия ССР.



Ҳамшаҳарлар — Сизлар учун

Янги китоб магазини

«Чорсу» массивидаги кўп қаватли кўркам бинонинг биринчи қаватида янги китоблар магазини фойдаланишга топширилди. Бу ерда мамлакатимиз ва чет элларда нашр қилинган китоблар билан бирга ҳар хил журналлар ҳам сотилади.

СУРАТЛАРДА: янги китоб магазинининг ташқи ва ички кўриниши.

Т. Каримов фотолари.



Мусобақалар хроникаси

ФУТБОЛ

Бразилия ва Аргентина олимпия терма командалари 1988 йилда Сеулда ўтказиладиган ёзги олимпиада ўйинларига биринчилардан бўлиб йўлланма олишди. Бу Жанубий Америка олимпия саралаш группасидаги ўйинлар тугагач маълум бўлди.

Бразилия терма командаси Ла-Пас (Боливия)даги учрашувларда ғолибликни қўлга киритганди, аргентиналиклар эса бу ерда турнир жадвалининг иккинчи поғонасига кўтарилишди. Кейинги ўринларни Боливия ва Эквадор терма командалари эгаллашди. Аргентиналиклар Боливия терма командаси билан бир хил очко жамғаргандн, бироқ аргентиналикларнинг тўплар нисбати кейинги босқичга чиқишга имкон берди.

ВОЛЕЙБОЛ

Байтроп (ГФР) шаҳрида халқаро турнир ниҳоясига етди. Турнирда Финляндия командаси ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди. Команда биринчи ўрин учун бўлган учрашувда Голландия командасини 3:0 (16:14, 15:8, 15:9) ҳисобида мағлубиятга учратди. Польша, ГФР, Югославия, ЧССР, Жанубий Корея командалари кейинги ўринларни эгаллади.

ГИМНАСТИКА

Москвалик ўқувчи қизлар —СССР Халқлари спартакиадаси мутлақ ғолиблари Елена Шевченко ва Елена Гуровалар Япония пойтахтида тугаган халқаро турнир ғолиби бўлишди. Улар икковлари кўпкурашда бир хил— 39,15 балл тўплашди. Учинчи ўринни хитойлик Ван Вэмцзин (38,55) эгаллади.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА —7/V да **Масхарабозлар**, 8/V да **Фауст.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 7/V да **Парвона**, 8/V да **Келинлар қўзголони.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 7/V да **Шайтон ва мурдлар**, 8/V да **Олифта.**

Кино

7 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«КИН-ДЗА-ДЗА» — **Санъат саройи** (16.00, 18.30, 20.40; телефон 44-21-44), **Чайка** (16.00, 21.00; телефон 77-06-20).

«ОХИРГИ ВАГОНГА КИМ ЧИҚАДИ?» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ХАТАР АЛОМАТИ» —**Фестиваль** (21.20).

«ОСМОНДАН ТУШГАНЛАР» —**Қозоғистон** (17.00; телефон 35-24-92).

«ИНЖЕНЕР ГАРИННИНГ ГИПЕРБОЛОИДИ» — **Москва** (20.40, телефон 33-05-01).

«ЯГУАР»— **Тошкент Советининг 50 йиллиги** (жуфт соатларда), **М. Шайхзода номли** (тоқ соатларда).

«ТАВБА-ТАЗАРРУ»— **Восток** (16.00, 18.30, 21.00).

«ТАЛВАСА»— **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги** (18.30)

«ЎЗ КЎЗИНГ БИЛАН КЎР» —**Ўзбекистон ССР 25 йиллиги** (16.000, 21.00).

«ЗОЛТАН КАРПАТИНИНГ ТАҚДИРИ»— **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

«МЕРСЕДЕС»ДАГИ КИШИНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИ»— **Фестиваль** (21.20).

«ВОНГ ХОНИМНИНГ СИРЛАРИ»— **Хива** (21.20).

«БОРИС ГОДУНОВ»— **Санъат саройи** — (кичик зал, 17.00, 19.30; телефонлар: 44-21-44, 44-21-34).

8 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«КИН-ДЗА-ДЗА» — **Москва** (11, 13.30, 16, 18.20, 21.00 телефон 33-05-01), **Дружба** (11, 14, 17, 20.00; телефон 65-15-75).

«ХАТЛАР АЛОМАТИ» — **Фестиваль** (21.20), **Санъат саройи** (11, 13.30, 16, 18.30; телефон 44-21-44).

«ВИЙ» — **Нукус** (12, 14, 16, 18, 20, 21.30; телефон 46-70-69).

«ОСМОНДАН ТУШГАНЛАР» **Қозоғистон** (11, 13, 17.00; телефон 35-24-92), **Тошкент Советининг 50 йиллиги** -(жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«36-80 КВАДРАТИДАГИ ҲОДИСА» —**Восток** (10.30, 12.00; телефон 91-14-61).

«ТАЛВАСА» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги** (13.30, 18.30).

«ЎЗ КЎЗИНГ БИЛАН КЎР» —**Ўзбекистон ССР 25 йиллиги** (11, 16, 21.00).

«БОРИС ГОДУНОВ»— **Санъат саройи** (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30; телефонлар 44-21-44, 44-21-34).

«ҚЎЛИМДАН КЕЛГАНИНИ ҚИЛДИМ»— **Хива** (21.20).

«ПАНТЕРА»НИНГ УЧ КАРРА ҲАМЛАСИ» — **Нукус** (19.30).

«ДИВИЗИЯ КОМАНДИРИНИНГ БИР КУНИ» — **Нукус** (19.30, телефон 46-70-69).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «ЙИРТҚИЧЛАР ОРАСИДА» **аттракционининг гастроллари** (7/V да 19.30 да; 8/V да 13, 16, 19.00 да).

ЯНГИ КОМИССИОН МАГАЗИН ЧОРЛАЙДИ

ЯҚИНДА ЮНУСОБОД МАССИВИНИНГ 10-КВАРТАЛИ («СБ—3»)ДАГИ 1-УЙДА

ЯНГИ КОМИССИОН МАГАЗИН ОЧИЛДИ

«ТАШКОМИСС И О Н-ТОРГ»нинг ана шу янги 49-магазини соат 10 дан 19.00 гача ишлайди.

Танаффус 14 дан 15.00 гача.

Дам олиш куни — душанба.

25, 28, 29-трамвайлар, 18, 24, 51, 83-автобусларда борилади.

«ТАШКОМИССИОНТОРГ» (телефон 56-56-15).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

45-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ТЎҚУВЧИ-ЙИГИРУВЧИ ИХТИСОСЛАРИ БЎЙИЧА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИГА ФАҚАТ ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

ЎҚИШ МУДДАТИ ЎРТА МАКТАБЛАРНИНГ 8-СИНФЛАРНИ БИТИРГАНЛАР УЧУН — 3 ЙИЛ, 10 СИНФНИ БИТИРГАНЛАР УЧУН — 1 ЙИЛ, 9-СИНФНИ БИТИРГАНЛАР УЧУН — 2 ЙИЛ.

8-синфни битириб келган ўқувчилар ўқиш даврида давлат таъминотида бўладилар, 10-синф маълумотидагилар эса, ойига 70 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчилар ўзлари ишлаб топган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Ўқиш даврн меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини муваффақиятли тамомлаган ўқувчиларга 5-разрядли енгил саноат ишчиси ихтисоси берилади.

Ўрта мактабни битириб билим юртига ўқишга кирган ўқувчилар айни бир вақтда билим юрти йўлланмаси билан Тошкент тўқимачилик институтининг кечки ва сиртқи бўлимларида ўқиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

Билим юртида ўқиётганлар база корхонаси ишчиларининг ҳамма имтиёзларидан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаган ўқувчилар олий ўқув юртларида ўқиш учун йўлланма оладилар.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: ариза (директор номига), ўрта мактабни тугатганлиги ҳақида аттестат (8-синфни тугатганлиги ҳақида гувоҳнома), характеристика, яшаш жойидан справка, медицина справкаси, 4 дона 3х4 см. ҳажмида фотосурат.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 185-уй (метронинг — «Халқлар Дўстлиги» станцияси). Телефон 45-47-36.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИНИНГ

37-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1987-1988 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ МЕТРО ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ.

8-синф маълумоти билан ўқишга кирганлар:

ЭЛЕКТР ВА ГАЗ ПАЙВАНДЧИ, БЎЁҚЧИ-СУВОҚЧИ, ПЛИТАЛАР ТЕРУВЧИ, ҚУРИЛИШ ДУРАДГОРЛИГИ, НАВВАТЧИ ЭЛЕКТРО-СЛЕСАРЬ, ЙЎЛ-ҚУРИЛИШ МАШИНАЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЛИК МУТАХАССИСЛИКЛАРИНИ ЭГАЛЛАЙДИЛАР. **Ўқиш муддати 3 йил.**

Ўқиш муддати 10-синфни битирган ва Совет Армиясида хизматни ўтаб қайтганлар учун 6 ой. 10-синфни битириб келганлар учун эса 1 йил. Улар электр пайвандчи, безак плиталар терувчи, бўёқчи-сувоқчи мутахассисликларини эгаллайдилар.

БИЛИМ ЮРТИГА ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

8-синф маълумоти билан билим юртига кирганлар давлат таъминотида бўлади. Уларга байрам ва иш кийимлари берилади. 3 маҳал бепул овқат билан таъминланадилар.

Билим юртини тамомлагандан сўнг ўқувчилар тегишли мутахассислик бўйича разряди кўрсатилган ҳамда тўлиқ ўрта маълумот олганлиги ҳақида диплом оладилар.

10-синф маълумоти билан ўқишга кирганлар ойига 80 сўмдан 94-сўмгача стипендия олишади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПРАКТИКАСИ ДАВРИДА БАРЧА ЎҚУВЧИЛАРГА ИШ ҲАҚИНИНГ 50 ПРОЦЕНТИ ТЎЛАНАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртини битирганлар темир йўл транспорти ҳодимлари қаторида имтиёзлардан фойдаланадилар.

Аъло баҳолар билан ўқиганлар эса билим юртини тугатгандан сўнг танлаган касби бўйича ўқиш учун олий ўқув юртларига юборилади.

Билим юрти яхши жиҳозланган кабинетлар, ишлаб чиқариш устахоналари, спорт зали, ётоқхонага эга.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим: маълумоти тўғрисида шаҳодатнома ёки аттестат, мактабдан характеристика, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, 6 дона 3х4 см ҳажмдаги фотосурат, ариза.

ҲУЖЖАТЛАР 25 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: 700156, Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, Д-20 квартал, 35-уй (50, 78, 94-экспресс-автобуслар, 6, 11, 19-троллейбуслар, 17-трамвайларнинг «20-квартал» бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

Тошкент шаҳар ҳунар-техника таълими бошқармаси

16-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1987—1988 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТЎҚУВЧИ, ЙИГИРУВЧИ, ПИЛИКЛОВЧИ, КАЛАВАЛОВЧИ.

Ўқиш муддати — 1— 3 йил.

Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган қизлар қабул қилинадилар.

Ўрта маълумот билан ўқишга кирганларга ҳар ойда 70 сўмдан стипендия берилади. 8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганлар бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида маошнинг 50 проценти ўқувчиларга берилади.

Билим юртини тугатганлар касб эгаллаганлиги ҳамда ўрта маълумот олганлиги тўғрисида диплом оладилар.

Билим юртини яхши баҳолар билан тугатган ўқувчиларга ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ўқиш учун йўлланма берилади.

ЎҚИШ МУДДАТИ ИШ СТАЖИГА КИРАДИ.

Машғулотлар яхши жиҳозланган кабинетларда олиб борилади. Билим юртида спорт секциялари, бадиий ҳаваскорлик, бичиш-тикиш тўгараклари мунтазам ишлайди.

Тўқимачилик комбинатида ўқувчиларнинг бўш вақтларини мароқли ўтказишлари, дам олишлари ва соғлиқларини мустаҳкамлашлари учун ҳамма шароитлар яратилган. Корхонада санъат саройи, профилакторий, дам олиш зонаси ва кечки техникум бор.

ЎҚУВЧИЛАР ЁТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат, таржимаи ҳоли, характеристика, 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат, 286 формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка.

Билим юрти адреси: 700100, Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, А. Қаҳҳор кўчаси, 34-уй (2, 3, 32, 80, 97-автобусларнинг «16-билим юрти» бекати).

К. ЕРМАТОВ НОМИДАГИ «ЎЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ

Трюкли съёмкаларнинг ижрочилари группасига, шунингдек «КАСКАДЁР» клубининг ўсмирлар группасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда қатнашишни истаган ёшлар ўз адреслари ва телефонларини қуйидаги адресга маълум қилишлари зарур: 700115, Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 1-уй, актёрлик бўлими.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

32-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1987-1988 ўқув йили учун

8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КОНФЕТЧИ, ҚАНДОЛАТЧИ, НОВВОЙ, СОВУТИШ ҚУРИЛМАЛАРИ РЕМОНТИ ВА УЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА МЕХАНИК, НОН ЁПИШ САНОАТИ МАШИНА ВА УСКУНАЛАРИНИНГ СОЗЛОВЧИЛАРИ, САНОАТ УСКУНАЛАРИНИНГ РЕМОНТЧИ-СЛЕСАРЛАРИ (нон заводлари учун).

ЎҚИШ МУДДАТИ: 10-синф маълумотн билан 1 йил, 8-синф маълумоти билан 2 йил.

Билим юртига 8-синф маълумоти билан қабул қилинганлар 3 маҳал бепул овқат, формали кийим-бош, яхши жиҳозланган ётоқхона билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ўқувчилар иш ҳақининг 50 процентн миқдорида пул мукофоти оладилар.

Билим юртига 10-синф маълумоти билан қабул қилинганлар ойига 30 сўмдан стипендия оладилар ҳамда яхши жиҳозланган ётоқхона билан таъминланадилар.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Билим юрти қошида кечки мактаб ишлаб турибди. Турли спорт секциялари, бадиий ҳаваскорлик ва бошқа тўгараклар мавжуд.

Билим юрти битирувчиларига ихтисослари бўйича 3—4 разряд берилади. Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ва ўрта ўқув юртларига юбориладилар.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: билим юрти директори номига ариза, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, ёки аттестат, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, турар жойидан справка, медицина справкаси (086/У форма), 6 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмида).

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Қуйбишев райони, Гёте кўчаси, 52-уй (21, 49«э» автобусларнинг «2-нон заводи», 16, 89-автобусларнинг «Касб касалликлари институти», 3, 29, 23-трамвайларнинг «Фонтанная кўчаси» бекатлари).

«Агат»— самарали восита

«АГАТ» СУЮҚ ТОЗАЛАГИЧ ВОСИТАСИ:

чинни, ойна, сирланган ёхуд алюминий идишлардаги чиркни бир неча дақиқада кетказиш;

бўялган пол, эшик, панелларни ярақлатиб ювиш;

пластмасса буюмларни тозалаш;

дераза ойналари ва кўзгулардаги ҳар қандай доғни тезда йўқотиш имконини беради.

БИР СЎЗ БИЛАН АЙТГАНДА «АГАТ» РЎЗҒОР БУЮМЛАРИДА, ЖИҲОЗЛАРДА ГАРД ҚОЛДИРМАЙДИ.



«АГАТ» НИҲОЯТДА ТЕЖАМЛИ: идиш-товоқ, пластмасса буюмлар, бўялган жиҳозларни ювиш учун унинг бир чой қошиқдагисини 1 литр сувда аралаштириш керак. Ойна ва кўзгулар учун эса — бир томчиси кифоя.

БАҲОСИ 80 ТИЙИН.

«Союзбитхим» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «ВНИИхимпроект»нинг Урал филиали.

Ҳар эҳтимолга қарши...

БАЪЗАН ЭҲТИЁТСИЗЛИК, ЭЪТИБОРСИЗЛИК БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРГА ОЛИБ КЕЛИШИ МУМКИН.

АГАР СИЗ АНА ШУНДАЙ ҲОДИСАЛАР ЮЗАСИДАН ЎЗ ВАҚТИДА СТРАХОВАНИЕ ШАРТНОМАСИ ТУЗГАН БЎЛСАНГИЗ, ЖАРОҲАТЛАНИШ, ТАСОДИФАН ҚАТТИҚ ЗАҲАРЛАНИШ, ОҒИР ХАСТАЛИККА ЧАЛИНИШ НАТИЖАСИДА МЕҲНАТ ҚОБИЛИЯТИНИ (тўла ёки қисман) ЙЎҚОТСАНГИЗ МУАЙЯН СТРАХОВАНИЕ СУММАСИНИ ОЛАСИЗ.

СТРАХОВАНИЕ БАДАЛИ СТРАХОВАНИЕ МИҚДОРИНИНГ ҲАР 100 СЎМИ ҲИСОБИГА 1 ЙИЛДА 25 ТИЙИНДАН 1 СЎМ 20 ТИЙИНГАЧА.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕСИ РАЙОН ИНСПЕКЦИЯЛАРИГА МУРОЖААТ ЭТИБ, СТРАХОВАНИЕНИНГ МАЗКУР ТУРИ ҲАҚИДА БАТАФСИЛ МАЛУМОТ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.



ТОШКЕНТ ШАҲАР ГОССТРАХ БОШҚАРМАСИ.

СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗ ҚАНДАЙ?

Учрашувга таклиф этамиз!

ЧИЛОНЗОР РАЙПИШЧЕТОРГИ

савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида

ХАРИДОРЛАРНИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИНИНГ ВАКИЛЛАРИ ВА ЖАМОАТЧИ КОНТРОЛЁРЛАР БИЛАН УЧРАШУВГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Учрашувлар:

8 майда — 3-МАГАЗИНДА (Домбробод кўчаси, 89-уй);
14 майда—4-МАГАЗИНДА (Муқимий кўчаси, 5-уй);
15 майда — 13-МАГАЗИНДА (Волгоградская кўчаси, 39 (56-уй);
21 майда — 18-МАГАЗИНДА (Ғафур Ғулом кўчаси, 44-уй);
22 майда—22-МАГАЗИНДА (Қатортол кўчаси, 21-уй);
28 майда — 34-МАГАЗИНДА (Халқлар дўстлиги кўчаси, 1-уй);
29 майда — «ОЛМАЗОР» УНИВЕРСАМИДА (Ўзбекистон кўчаси, 8/1-уй)

ЎТКАЗИЛАДИ

ЧИЛОНЗОР РАЙПИШЧЕТОРГИ (телефон 78-85-88).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08-74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиш — 32-58-85; фан ва ўқув юртлари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар —33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Р. — 12736. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 19.00 да қўл қўйилган (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). Тиражи — 75.131. Б. 2119. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10. Индекс 64690.